**Ўзбекистон Республикаси**

**Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги**

**Андижон давлат университети**

**Тарих ва ижтимоий фанлар факультети**

**Умумий тарих кафедраси**

**А.Мамажонов**

**5120300 – “Тарих” (мамлакатлар ва минтақалар бўйича)**

**таълим йўналиши 2 – курс талабалари учун**

# “Тарих ўқитиш методикаси” фанидан

# МАЪРУЗАЛАР МАТНИ

**Андижон - 2013**

# МАВЗУ: ТАРИХ ЎҚИТИШ УСУЛЛАРИ ФАНИНИНГ МАВЗУСИ, МАЗМУНИ ВА ВАЗИФАЛАРИ

РЕЖА:

1. Тарих ўқитиш усуллари фанининг предмети, максад ва вазифалари.
2. Мактабда тарих фанининг мазмуни ва тузилиши.
3. Тарих укитиш усулларининг йуналишлари.

Тарих ўқитиш усуллари илмий педагогик фан бўлиб, у талабалар онги ва калбига миллий истиқлол мафкурасини сингдириш уларга утмиш тарихимиз умумбашарий кадриятларимиз авлод-аждодларимиз хакида пухта билим бериш, мустақил Ватанга садокат руҳида тайёрлаш, тарбиялаш ва камол топтиришни кўзда тутади.

Жамият ва унинг ижтимоий тараққиёти тарих фани асосини ташкил этиб, шу фаннинг объектидир. Тарих фанининг предмети эса утмишда руй берган вокеа-ходисалар булиб, улар Ўзининг бетакрорлиги билан алохида хусусиятга эга. Тарихий вокеа-хрдисаларни илмий, холис ўрганишнинг аниқ йулини Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов 1998 йил 26 июнда мамлакатимиз тарихчи олимлари, шоир ва журналистлар билан бўлган учрашувда кўрсатиб берди.

«Тарих ўқитиш усуллари» курсининг макради, таълим-тарбия вазифаларининг муваффақиятли амалга оширилиши уқитишнинг мазмунига, унинг ғоявий-мафкуравий ва назарий жихатдан пишиқ булишига боглиқ.

«Тарих ўқитиш усуллари» фанининг мақсадини белгилашда, аввало таълим ва тарбиянинг узвий бирлигини, ўқитиш давомида талабаларнинг ғоявий-мафкуравий савияси мутассил усиб боришини, уларда куникма ва малакалар хосил булишини хамда ижодий фаолиятига таиёрланишларини назарда тутиш керак. Таълимдан кузатиладиган максадларни муваффакиятли амалга ошириш учун уларни илмий асосда белгиланмоги лозим.

Тарих ўқитиш методикаси узининг мустакил текшириш предметига эга. Мактабда тарих фанининг ўқитилиши ва ўқитиш жараёнининг ўрганилиши тарих укитиш методикасининг предметини ташкил этади. Укитиш жараёнининг объектив суратда амал киладиган уз конуниятлари бор. Уларни билиб олиш ва таълим-тарбия жараёнида бу конуниятларга амал килиш, улардан окилона фойдаланиш мактабда тарих ўқитишнинг илмий асосда олиб боришнинг мухим шартидир. Мустакил жамиятимизнинг хрзирги боскичида тарих ўқитишни янада такомиллаштириб бориш, укитиш жараёнини, унинг объектив равишда амал килувчи конунияларини аник ва мукаммал билиб олиш, бу конуниятлардан мустакил Ватанимизда усиб келаётган ёш авлодни янгиликларни тез кабул килиши ундан, истщлол яратган кенг имкониятларда фойдаланиб, фаолиятимизнинг хамма сохаларида юксак натижаларга эришиш зарур.

Президентимиз И.А.Каримов узининг 1997 йил 29 августидаги Ўзбекистан Республикаси Олий Мажлисининг IX сессиясида сўзлаган нутқида алохида кайд этиб утганларидек, «дарсликларда миллат фикрининг, миллат тафаккури ва миллат мафкурасининг энг илгор намуналари акс этиши керак.

Ўқитувчининг бош вазифаси ўқувчиларда мустакил фикр юритиш кўникмаларни хосил килишдан иборат эканлигини купинча яхши тушунамиз, лекин, афсуски, амалда, тажрибамизда унга риоя килмаймиз».

Дархакикат Президент И.А.Каримов алохида кайд этиб ўтганларидек, бугунги кунгача Ўзбекистонимиз умумий ўрта таълим ва ўрта махсус, касб-хунар таълими ўқув юртлари гуманитар факультетлари учун тарихдан давр талаби даражасида яратилган, илмий-методик жихатдан теран дарсликлар ва ўқув-методик кулланмалари мавжуд эмас, Шунинг учун хам юртбошимиз узларининг Президентлик фаолиятларида тарих таълимининг илмий асосда ўрганишга алоҳида эътибор бериб «Мулоқот» журналига берган

интервьюларида «узбек халкининг тарихий утмиши, узлиги маънавияти хакида гапираётганда, бизда чукур илмий асосга таянган тахдил, муайян масалаларда аниқ ёндошув етишмаяпти, илмий тилда айтганда, яхлит концепция йуқ. Узликни англаш тарихни билишдан бошланади, Исбот талаб булмаган ушбу хакикат давлат сиёсати даражасига кутарилиши зарур» деб курсатди.

Одатда, хар бир фанда булганидек тарих фанида хам маълум ўқув юртида ўқув режасига асосланган илмий-методологик ва услубий-дидактик талабларни хисобга олган дастур тайёрланади.

Мустақиллик шарофати билан Республикамиз умумтаълим мактабларида укитиладиган тарих фанининг асосий мазмуни икки йуналишда: Жахон тарихи ва Узбекистан тарихи босқичларини ўрганишни ташкил этади. Кишилик жамияти таракдиётидаги тарихий х^одисалар ва воқеаларни ўрганишга куйилган талаблар (5-9 синфлар) ўқувчиларнинг ёши билм савияси, руҳий хусусиятлари, жисмонии ривожланиши даражаларига мое булиши лозим.

Уқувчилар тарих таълими жараёнида куйидаги билим, куникма ва малакаларни эгаллашлари шарт:

-жах;он ва Узбекистон тарихининг даврлари, ижтимоий тузумлар, уларнинг аталиши улрага мое хусусиятлар хакида тасаввурга эга булиш;

-аср ва йил хисоботини билиш, тарихий вокеа ва хрдисаларнинг давомийлиги, уларни кайси даврга мансублигини айта олиш, эрамиздан олдинги асрларни хисоблай олиш;

-инсоният доимо олдинга интилганлиги, бу эса тарихий тараккиётнингасоси булган л игини ашщлаш;

-жамиятда ва кечаётган жараёнларга узининг мустакил муносабатини билдира олиш;

-тарихий манбаларни мустакил ўрганиш асосида хулосалар чикара олиш;

-тарихий жараёнлар хакида маълумотга эга були шва киёсий таҳлил кила олиш;

-миллий мустақиллик ва унингдастлабки ютуклари, мамлакатимиз байроғи, герби, мадхияси, давлат рамзлари, Президенти, ташки алокаларга доир тушунчаларга эга булиш;

-жахрн ва Узбекистон тарихинингянги даври хдкида маълумотга эга булиш;

-харита устида ишлай олиш, тарихий воқеалар юзасидан мустакил мулохаза юрита олиш, баён кила олиш, мунозара ва бахсларда фаол иштирок эта олиш;

V синфда тарих фан сифатида урганилмай, кисман тарихий тасаввур хамда энг содда тушунчаларни эгаллаш билан чекланилади.

VI синфдан бошлаб эса, жаҳон ва Узбекистон тарихи давлат компонентидаги асосии предмет сифатида урганилади. Ниҳоят, IX синфга кадар даврий изчиллик билан инсоният пайдо булган энг кддимги даврдан эрамизнинг мингйиллиги, ўрта асрлар тарихи ва XX аср бошларигача руй берган вокеа-хрдисалар, сиёсий, щтисодий, маданий жараёнлар ифодаси IX синфда интихр топади. Энг янги давр тарихини ўрганиш умумтаълим мактаблари (V- IX синфлар) вазифасига кирмайди. Уни изчилликда олий, ўрта махсус ўқув юртларида давом эттирилади.

Тарих уқитиш жараёни икки йул билан урганилади. Биринчиси *кузатиш методидир.* Бу методдан фойдаланганда турли хилдаги ўқув-методик адабиётлар, ўқувчиларнинг ёзма ишлари, рефератлар, уларнинг жавоблари ёзилган стенограммалар ва магнитофон ёзувлари, укитишга берилган бахр ва чикарилган хулосалар билан танишиб чиқилади, дарслар кузатилади, ўқувчиларнинг билими ва куникмалари урганилади.

Шундай кдлиб, кузатиш методидан фойдаланганда, тадкикртчи тарих ўқитишнинг мавжуд тажрибаси доирасидан четга чикмайди, уни табиий равишда кузатади ва урганади.

Иккинчиси *тадқиқот методи.* Ўқитувчи укитиш жараёнини узи хоҳлаганича уюштиради. Унга баъзи узгаришлар киритади, натижасини текшириб куради. Хуллас, ижодий иш щлади ва унинг бу иши илмий тадкикртга ухшаб кетади. Бироқ, ўқитувчи килган ижодий изланишларнинг илмий тадкикотдан фарқи, аввало шундаки, ўқитувчи дарсда амалий вазифани ҳал килади, унинг хулосалари эса, уз фаолиятининг натижаси булади. Илмий тадкикртда купчилик ўқитувчиларнинг иши учун умумий булган конуниятлар тадкик этилади, чикарилган хулосалар илмий асосда расмийлаштирилади.

## МАВЗУГА ОИД ТАЯНЧ ИБОРАЛАР ВА АТАМАЛАР

1. Кузатиш методи.
2. Таткикот методи.
3. Тарих укитиш методики тарих фани билан богликдиги.
4. Тарих уқитиш методики максади.

## МАВЗУ УСТИДА МУСТАКИЛ ИШЛАШ

1. Тарих укитиш методининг педогогика ва психология билан богликлиги.
2. Тарих дарсларида амалий машгулотлар .

## АДАБИЁТЛАР


1. Ислом Каримов Тарихий хотирасиз келажак йук
   Тошкент. «Шарк», 1998.
2. Ислом Каримов Узбекистан буюк келажак сари
   Тошкент. «Узбекистан», 1998.
3. Бабанский Ю.К. «Хозирги замон умумий таълим мактабларида укитиш методлари»
   Тошкент. «Узбекистан», 1990.
4. Саъдиев А. Мактабда тарих укитиш методикаси
   Тошкент. «Ўқитувчи», 1988
5. Саъдиев А. Узбекистан халкдари тарихини укитиш
   Тошкент. «Ўқитувчи», 1993
6. Умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандарти ва ўқув дастури
   Тошкент. «Шарк», 1999 и. 2-сон
7. Т.Тошпулатов, Я.Раффоров Тарих укитиш методикаси
   Тошкент. «Университет», 2002.
8. Н.И.Аппарович, Д.И.Полторак Кабинет истории и обществоведения в средней школе
   Москва «Просвешение», 1982.
9. Курбонов ТТТ. ва бопщалар «Баркамол авлод орзуси»
   Тошкент. «Шарк», 1998.
10. Махкамов С. Тарихдан ўқув уйинлари
    «Узлуксиз таълим» журнали 2006 № 1.
11. Кодиров. Б Таълим тизимидаги ислохртларнинг максад ва йуналишлари
    Тошкент. «Узбекистан», 1999.

## МАВЗУ: ТАРИХ ЎҚИТИШНИНГ ОҒЗАКИ МЕТОДЛАРИ

## РЕЖА:

1. Тарихий материалларни оғзаки баён килиш методи
2. Тарих таълимида жонли нутк
3. Хикоя ва маъруза усулида тарихни баён килиш

Тарихий материалларни оғзаки баён килиш бир канча усул ва туркумларда амалга оширилади. Укитиш методларини таърифлашда ўқитувчининг укитиши ва ўқувчиларнинг ўрганиши ёки билиш фаолияти усулларидан иборат эканлигини назарда тутиш керак. Тарихий материалларни оғзаки баён килиш ўқитувчиларнинг фаол фикрлаш асосида ўқувчиларни укитишга, ўқитувчи рахбарлигида ўқувчиларнинг илмий билимларини узлаштириши ва амалда куллана билишлари, ёш авлод онги ва калбига миллий истиклол ғояларини сингдириш ва уларда миллий истикдол мафкурасини шакллантириш долзарб вазифадир. Тарихий материални оғзаки баён килиш монолог формада, баён этиш, таърифлаш, тавсифнома бериш, тушунтириш, мухркама килиш, сухбат, кискача баён килиш, ҳикоя килиш, суратлар воситасида таърифлаш, аналитик (булакларга булиб ) таърифлаш ва бошка туркумлар оркали амалга оширилади.

Тарих таълимида ўқитувчининг жонли нутки ўқувчиларнинг куз унгида инсоният хаётининг энг кадимги даврлардан XIX аср бошларига кадар ижтимоий-иктисодий ва маданий ривожланиш тугрисидаги билимлар киради. Жонли нутк. ўқувчи онгига тез етиб боради, уни маълум хулосаларга олиб келади, тарихий жараённинг крнуниятларини тушунишни осонлаштиради, ўқувчиларга тарихий материалларни таҳлил килиш ва умумлаштириш намунасини курсатиб беради. Ўқитувчининг жонли нутки пухта билим ва малака манбаи булиши билан бирга, жуда катта тарбияловчи кучга эга. Ўқитувчи нуткидаги мантиқ ургунинг кучи, далилларнинг жонли ва ишонарли булиши ўқувчиларнинг онгига, хис-туйгуларига кучли таъсир курсатади, уларни фикрлашга ургатади, маълум хулосаларга олиб келади, тарихий жараённи, унинг кобилиятларини тугри тушунишга ёрдам беради.

Ўқитувчининг жонли нутки ўқувчиларнинг билим олишидаги бошка манбалар, кургазмали куроллар ва текстларнинг мазмунини тушуниш, улар устида мустакил ишлаш ва фикр юритишга хам йул очиб беради. Ўқитувчи дарс жараёнида, ўқув материалларини оғзаки баён килиб бериш билан чегараланиб колмасдан, ҳар-хил кургазмали куроллар (расм-суратлар, иллюстрация, карикатуралар, қўшимча малумотлар, таркатма материаллар, «аклий хулсум» интернет материаллари, мультимедиялар, ўқув уйинлари) дан фойдаланилади.

Ўқитувчининг жонли нутки ўқувчиларнинг ўқиш-ўрганиши ва билим фаолиятини бошкаришни, унга раҳбарлик килишнинг методик усуллари ва воситаларини хам узига мужассамлаштиради. Жонли нущнинг бу имкониятларидан осилена фойдаланиш ўқувчилар билимининг пухта ва мустахкам булишини ўқувчини мустакил иш ташкил килишга имкон яратади.

Ҳикоя методида тарихни баён килиш тарихий вокеанинг тулик картинасини очиб беради. Дикоя методининг асосий дидактик вазифаси ўқувчиларда тарихий вокеа хдкида конкрет ва курсатмали булади. Ҳикоянинг конкрет булиши ўқувчиларнинг тарихий хрдисалардаги мохиятни ва тарихий макон, тарихий давр, тарихий ижтимоий харакат, уни харакатга келтирувчи кучлари, ижтимоий гуруҳ, табака, кабила, уруг, халқ миллат ва уларнинг тараккиёт боскичлари хусусияларини тушуниб олишларига ёрдам беради. Хдкоя ёркин, энг типик мухим тарихий фактлар асосида тузилади.

Ҳикоя тарихий материални баён килиш методи сифатида асосан куйидаги хрлларда:
1. таълим-тарбия жихатидан мухим ва уларни ўрганиш ўқувчилар онгида чукур ва е'ркин из колдирадиган йирик тарихий воқеаларни баён қилишда;
2. ўқувчиларда янги тарихий хрдисалар хақида мазмунли ва аниқ тасаввур яратиш зарур

булган пайтда қулланилади.

Хикоя ўқувчиларда тарихий воқеалар ҳақида жонли тасаввур яратиш билан бирга уларни маълум умумий хулосаларга хам олиб келади.

Маъруза методи фақат ажратилагн вактнинг куп ёки озлиги билан эмас, балки узининг мазмуни, укитиш ва ўрганишнинг метод ва усуллари жиҳатидан хам олий мактаблардаги маърузалардан фарқ килади.

Уқитувчи маъруза мавзуси билан бирга уни баён килиш рел<асини хам эълон килади Баъзан маъруза режасини маъруза килиш давомида хам эълон килиб бориш мумкин. Ўқитувчи ўқувчиларнинг диккатини маърузада ёш авлод онги ва калбига миллий истиклол ғояларини сингдириш ва уларда миллий истиклол мафкурасини шакллантириш хамда ахлокий жихатдан муҳим булган томонларига каратади, чикарилган хулоса ва умумлашмаларни киска ва аник ифодалаб беради ва уларни ўқувчилар ёзиб оладилар. Мактаб маърузасида сухбат методининг элементлари кулланилади. Ўқувчиларнинг билиш фаолиятини жадаллаштириш, уларнинг диккатини маърузанинг мухим жараёнларига жалб килиш максадида саволлар куйиб борилади. Мактаб маърузаси баён килинган материал юзасидан якуний сухбат билан тугайди. Мактаб маърузасининг акалли энг мухим жойларини ўқувчилар ёзиб улгуриши учун маъруза нисбатан секин укилади.

Мактаб маърузаси ёш авлод нуткини ривожлантиришда, уларнинг уз фикрларини эркин айта олишларига имкон беради, Мактаб маърузасига методист В.Н.Бернадский томонидан куйилган асосий талаблар хрзирги кунда хам уз ахдмиятини йукотган эмас.Бу талаблар куйидагилардан иборат эди:

1. Маъруза илмий жихатдан мукаммал булиши керак.
2. Маъруза дарслик мазмунидан кенг, уни куп жихатдан конкретлаштирилиши лозим. Маъруза мазмуни дарслик мазмунидан киска ёки айнан шу мазмундан иборат булиб крлса, уни ўқувчилар бутунлай тингламай куйишади.
3. Ўқувчиларни утмишни жонли идрок этишлари учун маъруза мазмунан кургазмали булиши керак.
4. Маъруза ўқувчиларни фикрлашга ургатиши, тарихий воқеаларни тахдил кили шва умумлаштириш намунасини курсатиши, ўқувчиларнинг тарихий фикрлашини тарбиялаши лозим.
5. Маърузанинг ўқувчиларга етиб бориши учун, ўқитувчи узининг нутки устида куп ишлаши лозим.

## МАВЗУГА ОИД ТАЯНЧ ИБОРАЛАР ВА АТАМАЛАР

1. Оғзаки таълим методи
2. Ўқитувчининг жонли нутки
3. Кдскача баён методи
4. Тавсифлаш методи

## МАВЗУ УСТИДА МУСТАКИЛ ИШЛАШ

1. Суратлар воситасида таърифлаш методи
2. Тарих дарсларида интернет материалларидан фойдаланиш

## АДАБИЁТЛАР


1. Ислом Каримов Тарихий хотирасиз келажак йуқ
Тошкент. «Шарк», 1998.
2. Ислом Каримов Узбекистан буюк келажак сари
Тошкент. «Узбекистан», 1998.
3. Бабанский Ю.К. «Хозирги замон умумий таълим мактабларида укитиш методлари»
Тошкент. «Узбекистан», 1990.

4. Саъдиев А. Мактабда тарих укитиш методикаси
Тошкент. «Укдтувчи», 1988
5. Саъдиев А. Узбекистан халклари тарихини укитиш
Тошкент. «Уқитувчи», 1993
6. Махкамов С. Тарих дан ўқув уйинлари
«Узлуксиз таълим» журнали 2006 № 1.

## МАВЗУ: ТАРИХ ЎҚИТИШНИНГ КЎРГАЗМАЛИ МЕТОДЛАРИ ВА УЛАРДАН ФОИДАЛАНИШ ЙЎЛЛАРИ

РЕЖА:

1. Кургазмали куроллар тарихий билимларнинг мухим манбаи
2. Тарих укитишда кулланиладиган кургазмали куроллар ва уларнинг турлари
3. Тарих таълимида кургазмали куролларни танлаш ва улар дан фоидаланиш

Тарих укитишда кургазмали воситалар тарихий билимларнинг ўқувчилар онгига етказиш ва сингдиришда мухдм манба хисобланади.

Кургазмалилик энг аввало укитиш ва ўрганишнинг кургазмали усули, ўқитувчи баёнининг кургазмали булиши, унинг ўқувчилардаги тайёр образларга суяна билиши, ўқув материалини баён килиш вақтида кургазмали куроллардан фоидаланиш ва кургазмали куроллар воситасида ўқувчиларнинг билиш фаолиятини жадаллаштириш хамда уларнинг урганилаётган тарихий жараёнларни, воқеа ва хрдисаларни айнан узини ёки уларнинг тасвирларини куриш ёрдамида ўрганишлари тушунилади.

Тарихий хужжатлар ва бадиий адабиётлардан фоидаланиш ўқитувчи баёнини образли килиб конкретлаштирса, кургазмали қуроллар воситасида ўқувчиларда утмиш тугрисида ёрқин ва аниқ тасаввур хрсил булади, уқувчиларнинг эшитиш фаолиятига куриш ва сезиш органларининг фаолияти хам кушилади. Шу билан уларнинг билими янада чукурлашади ва мустахкaмл анади.

Кургазмали куроллар ўқувчиларнинг билим олишида мухим манба булиб хизмат килади хамда ўқувчиларнинг тарихий тасаввурларига аниклик киритади ва бу тасаввурларни конкретлаштиришга ёрдам беради. Кургазмали куролар ўқувчиларнинг мураккаб тарихий хрдисаларнинг, тарихий тушунчаларни маъносини осонрок тушунишга ёрдам беради.

Тарих укитишда кулланиладиган кургазмали куроллар узининг мазмуни, тарихий образларининг характери, уларни тайёрланиш ва фоидаланиш усулларига караб куйидаги турларга булинади:

1. Буюм курсатмалилиқ тарихий ёдгорликлар, эсдалик жойлари; архитектура ёдгорликлари, хужаликка доир ва бопща курилишлар; меҳнат куроллари; курол-яроглар, рузгор буюмлари, шу жумладан археологик топилмалар.

2. Тасвирий кургазмалар; укитишда фоидаланиш учун ишланган тарихий картиналар ва альбомлар, санъат асарлари, портретлар, расмлар, фотохужжатлар ва фотосуратлар, дарсликлардаги иллюстрациялар, ўқув диапозитивлари, диафильмлар ва кинофильмлар, макетлар, муляжлар, хар хил моделлар, мультимедиалар, интернет материаллари ва бошкалар.

3. Шартли курсатмали куроллар. Тарихий ва контур карталар, тарихий атласлар, схемалар, графика, диаграмма ва картограммалар, аппликациялар ва педагогик расмлар.

Буюм курсатмалилик таълимда алохида касб этади. Физика, химия ёки ботаника ўқитувчилари урганилаетган мавзуни ўқувчиларга формула, шакл ва бошкаларда курсатиб тушунтирсалар тарих ўқитувчиси ундай имкониятлардан махрумдир. Тарих уқитувчиси уқувчиларга ибтидоий одамлар хаёти ва фаолиятининг айнан узини курсатиб бера олмайди, фақат гапириб беради, курсатса фақат ибтидоий кишилар ишлатган куролларни, яшаган жойларини, ёки айтайлиқ ўрта асрлардаги хукмдорларни узаро урушларини эмас, урушда ишлатилган куролларни ва бошка баъзи бир буюмларни, айрим саркардалар бошлиқ аскарларнинг жангларда курсатган жасорат ва кахрамонликларини эмас, балки улар тугрисидаги рассомлар чизган айрим раем- картиналарни курсатиш мумкин, холос, лекин дар холда кишилар утмишидан долган бу ёдгорликларни тарихий воқеалар

тугрисида реал тасаввур килишга сузсиз ёрдам беради. Ўқувчилар орадан бир неча асрлар, хдтто неча-неча минг ииллар утиб кетган замондаги воқеалар тугрисида маълумот берувчи хакикий буюм ва нарсаларни жуда кизикиш ва хаяжон билан урганадилар. Шунинг учун хам мактабда тарихий утмишни ўрганишнинг асосий манбаларидан бири булган бу ёдгорликларни туплаш ва улардан фойдаланишга жуда катта эътибор берилади.

Тасвирий кургазмали куроллар мактаб тажрибасида хаммадан куп кулланилди. Тасвирий кургазмалар бир неча хил булади;

а) утмишдан долган хакикий асл нусха хужжатлар асосида яратилган тасвирий
кургазмалар;

хужжатли фотосуратлар ва хужжатли кинофильмлар, предмет ёдгорликларининг тасвирлари, мехнат дуроллари, маданий ёдгорликларининг тасвирлари ва шу кабилар;

б) илмий жихатдан асослаб таъмир килинган архитектура ва бошка ёдгорликлар тасвири, рузгор буюмлари ёки улар тасвири;

в) рассомнинг ижодий фаолияти билан килинган тасвирий кургазмалар ; тарихий санъат асарлари дарсда берилган иллюстрациялар, макетлар, моделлар ва бопщалар.

Кургазмали куролларни танлаш ва улардан фойдаланишда ўқитувчи куйидагиларни эътиборга о лиши л озим:

1 .Ўқувчиларнинг ёши, билими ва малака усиб борган сари уларнинг предмет ва тасвирий кургазмаларга кизикиши ортиб боради. Масалан, У-У1 синф ўқувчиларнинг купроқ утмишдаги воқеа ва ходисаларнинг яхлит манзаралар тасвирланган, макетлари ва моделлари кизиктиради. Юдори синфдаги ўқувчиларни эса предмет ёдгорликларининг айнан узи ва шарли курсатмалар кдзиктиради.

2. Хар бир дарс учун танланган кургазмали курол мазмуни, ғоявийлиги, илмийлиги жихатдан талабга жавоб берадиган булиши, синф удувчиларига мое булиши, сони купаитириб юборилмаслиги лозим. Агарда кургазмали куроллар купайиб кетса, ўқитувчи ва ўқувчилар шу куроллар билан овора булиб крлиб, ўқувчиларнинг дарс материалини узлаштиришига халакит бериши мумкин. Дарсда энг мухим 2-3 та кургазмали куролни тахлил қилиш ва ўрганиш кифоя.

3. Ўқувчиларнинг кургазмали куролларни онгли равишда пухта узлаштириб олишларига эришиш керак.

4. Кургазмали куроллар ўқитувчининг баёни жараёнида курсатиб борилади.

## МАВЗУГА ОИД ТАЯНЧ ИБОРАЛАР ВА АТАМАЛАР

1. Буюм курсатмалилик
2. Тасвирий кургазмалар
3. Археo логик топил мал ар
4. Тарихий расмлар

## МАВЗУ УСТИДА МУСТАКИЛ ИШЛАШ

1. Харита билан ишлаш методи
2. Тарих таълимида оргтехника воситаларидан фойдаланиш

## АДАБИЁТЛАР

1. Ислом Каримов Тарихий хотирасиз келажак йук
Тошкент. «Шарк», 1998.
2. Ислом Каримов Узбекистан буюк келажак сари
Тошкент. «Узбекистан», 1998.

3. Бабанский Ю.К. «Хрзирги замон умумий таълим мактабларида укитиш методлари»
Тошкент. «Узбекистан», 1990.
4. Саъдиев А. Мактабда тарих укитиш методикаси
Тошкент. «Ўқитувчи», 1988
5. Саъдиев А. Узбекистан халкдари тарихини укитиш
Тошкент. «Ўқитувчи», 1993
6. Умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандарти ва ўқув дастури
Тошкент. «Шарқ», 1999 и. 2-сон
7. Т.Тошпулатов, Я.Рафforов Тарих укитиш методикаси
Тошкент. «Университет», 2002.
8. Курбонов Ш. ва бопщалар «Баркамол авлод орзуси»
Тошкент. «Шарк», 1998.

## МАВЗУ: ТАРИХ ТАЪЛИМИДА ТЕХНИКА ВОСИТАЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ МЕТОДЛАРИ

РЕЖА:

1. Тарих таълимининг техника воситаларида укитиш ва ўрганиш.
2. Тарих укитиш тизимида ахборот технологияларидан фойдаланиш.
3. Техника воситаларидан фойдаланишда тарих хоналарининг урни.

Куп йиллар давомида мактаб тарих курсларини укитиш тажрибаси шуни курсатадики, тарихдан угказиладиган таълим-тарбия ишларини ташкил эти шва самарадорлигини ошириб бориш, шунингдек кутилган ижобий натижаларга эришмокнинг асосий шакли-дарсдир. Гап шундаки, ўқувчиларга таълим-тарбия бериш, уларнинг билиш крбилиятлари ва тафаккурларини мутассил ривожлантириб бориш юзасидан турли илмий-услубий ишлар асосан дарс жараёнида амалга ошириб борилади.

Хар бир дарс тарихдан урганилаётган аклохида олинган мавзунинг, бир вактда бутун бир курс юзасидан утказиладиган дарслар тизимининг мантикан шаклланиб борадиган ягона занжирини ташкил этиб, бошка дарслар мазмуни билан узвий алокадорликда булгани хрлда, таълим тизимининг бир бутунлигини амалга ошириб боришини таъминлайди.

Бошка фанлардан фарқ этгани хрлда тарих дарсига булган талаблар жамиятда содир буладиган ижтимоий-сиёсий ва ижтимоиё-иктисодий узгаришлар талаби даражасида, шунингдек, илм-фан, маданият ва айникса, маънавиятда содир буладиган узгаришлар талаби асосида доимо ривожланиб боради.

Тарих дарсларида таълимнинг техника воситаларидан фойдаланиш дарснинг самарадорлигини оширади. Таълимнинг техника воситалари укитиш ва ўрганиш сифатини кутаришга ўқувчиларнинг ўқув материалини кдзикиб ўрганишига ва пухта узлаштиришига хизмат қилади.

Хозирги давр тарих таълимида мавзуни, бобни ўрганишга сарфланадиган соатлар микдори, дарсни қай тарифа утказиш ва кайси адабиётлардан фойдаланиш кераклигидан ташк.ари, дарсда урганиладиган асосий тушунча ва ғояларнинг руйхати, предметлар аро ва курслар аро богланадиган алокалар, шаклланадиган куникма ва малакалар, ҳар бир мавзуга таалукли таълим ва техника воситалари руйхати, шунингдек, таркатиладиган дидактик материаллар руйҳати курсатилади.

Хозирги даврда дарс самарадорлигини ошириш хдр бир ўқитувчини таълим-тарбия жараёнида ўқувчиларни комплекс ривожланишларини таъминлайдиган, ўқитувчига ажратилган вақтдан максадга мувофиқ фойдаланиб, тарих дарснии бевосита уз тажрибаси асосида уддалаи олиши замонавий дарс талаби асосида дарсларда техника воситаларидан унумли фойдаланишга харакат килади. Тарихда дарс бериш жараёнида ўқитувчи томонидан тушунтирилган вокеа ва хрдисалар, душманга карши кукрак керган жасур кишилар, бир узи унлаб душманлар билан жанг кила олган кахрамонлар ҳар кандай кийин шароитда узини йукотмайдиган, жасур, матонатли кишилар ўқувчи куз унгида гавдаланади. Шулар х$^{а}$кида ўқитувчи техника воситалари оркали ўқувчининг маънавий бойлигини орттиради.

Бугунги кунда узлуксиз таълим тизими бугинидаги таълим муассасалари, шу жумладан, умумий ўрта таълим мактаблари ўқитувчилар олдида Янги муаммолар, яъни укитилаётган фаннинг узлаштириш сифатини ошириш вазифаси турибди. Бу борада тарих фанини укитишда хам турлича услублар кулланилмокда. Шулардан бири замонавий ахборот технологияларидан фойдаланишдир.

Мултимедиа тасвирли маълумотлар билан ишлашга крдир булган восита хисобланади. «Мултимедиа» сузи лотинча «медиа» сузидан олинган булиб, «маълумот

ташувчи восита»деган маънони англатади. Мултимедиали комьпютерлар суз, Мусика, тасвир ва бошка маълумотларни, видеомаълумотларни кабул киладива улар устида ишлайди. Айникса электрон ку^лланманинг^ мултимедия муҳитида «Масготеё1а Р1азЬ», «О1Р Аптайоп», «Мхсгозой Ргоп1 Ра§е», «АёоЬе РпоШзЬор 7.0», «3В Мах», «Мюгозой Ро\уеr Рот!» каби Интернет технологиялардан фойдаланиб яратилиши муҳим ахамият касб этади. Чунки уларда харакатли,рангли, овозли тасвирлар яратиш кулай ва матнли масалаларнинг ечилишини намойиш кила олиши мумкин. Жахон ва Узбекистон тарихининг даврлари ижтимоий тузумлар уларнинг аталиши ва хос хусусиятлар ҳақида тасаввурга эга булишда, намойиш қилишда комьпютер, видео, видеоплеер, ракамли видеокамера, видеопроектор, овоз чикариш курилмаси, видеоэкран ва микрофондан фойдаланилади.

Маълумки, умумий ва ўрта таълим мактабларида ижтимоий-гуманитар фанларни укитишда кургазмалилик мухимдир. Айникса тарих фанида хариталар, жанг схемаларини курсатиш кулайдир. Бундан ташқари мавзулар буйича матнларни хам бериш мумкин. Матнда келтирилган тушунчалар, тарихий атамалар образли тарздa намоён булади.

Дарс биринчи галда ўқув машгулотидир. Замонавий тарих дарсига булган талаб тарих таълими давомида ўқув^чи^ ёшларни тарихий билим ва куникмалар билан куроллантириб, уларни у^тмиш^Д^а^ ^ва^ бугунги кунимизда содир булаётган ижтимоий ходисаларни тугри бахрлаш ва хулосалар чикариш, «хар бир инсоннинг айшцса эндигина Х^а^ётга кадам куйиб келаётган ёшларнинг онгига шундай фикрни сингдириш керакки, улар ўртага куйилган максадларга эришиш узларига боглик эканлигини, яъни бу нарса уларнинг собиткадам гайрат-шижоатига, тула-тукис фидокорлигига ва чексиз мехнатсеварлигига боглик. эканлигини англаб етишлари керак».

Илмий техника авж олиб бораётган хрзирги вактда ўқувчи ёшларнинг акселерацияси, яъни болалар ривожланишининг тез суратлар билан бориши, бу жараён уларнинг хам ак.лий, хам жисмоний жихатдан ривожланишларида явдол намоён булаётганлигини алохида таъкидламокдалар. Дархакикат хрзирги даврда ўқувчилар ёшлигиданоқ радио, телевидение, газета, журнал ва турли китоблар, ахборот каналлари орк.али куп замонавии илмий-техникавий янгиликлардан бохабар булмокдалар. Буларнинг хаммаси сузсиз ўқувчи ёшларни хар томонлама ривожланишларига, дунёкарашлари куламини кенгайишига олиб келмовда. Ўқувчи уз уйида телевидение орқали, ёки кино-театрда тарихии мавзудаги асарни томоша кдлиб, унинг мазмуни билан чукур танишишга муваффақ булгани ҳолда, ўқитувчи дарс жараёнида фақатгина дарслик материалы билангина чегараланаётган булса, у хрлда ўқувчида мазкур дарс учун хеч қандай цизиқиш пайдо булмайди. Ана шундай инкирозли шароитдан чиқиб кетиш учун ўқитувчи тарихии таълимида эмоционал махрратини ошириб бориб, ўқувчиларни мавзунинг мазмунига булган цизиқишларини ошириб бориб, унинг хар томонлама мустахкамланишига эришмоги керак.

Ўқитувчи уз дарснии замон талаблари асосида кургазмалиликнинг техника воситаларидан фойдаланишда махсус жиҳозланган тарих хоналарини ташкил этиб, ук^итишнинг турли методик воситаларидан, жумладан экран кулланмалари, магнитофон ёзувлари, теледарслардан максадга мувофиқ фойдаланмоги керак.

## МАВЗУГА ОИД ТАЯНЧ ИБОРАЛАР ВА АТАМАЛАР

1. Таълимда техника воситаларини узлаштириш
2. Техника воситаси турлари
3. Техника воситасида овозли аппаратлар
4. Техника воситасида ахборот технологиялари

## МАВЗУ УСТИДА МУСТАКИЛ ИШЛАШ

1. Тарих укитиш тизимида кургазмалиликнинг оддий техника курилмалари ва овозли аппаратлар воситасидан фойдаланиш методлари.
2. Техника воситасида кургазмали куроллардан самарали фойдаланиш.

АДАБИЁТЛАР


1. Ислом Каримов Тарихий хотирасиз келажак йук
Тошкент. «Шарк», 1998.
2. Ислом Каримов Узбекистан буюк келажак сари
Тошкент. «Узбекистон», 1998.
3. Бабанский Ю.К. «Хозирги замон умумий таълим мактабларида укитиш методлари»
Тошкент. «Узбекистон», 1990.
4. Саъдиев А. Мактабда тарих укитиш методикаси
Тошкент. «Ўқитувчи», 1988
5. Саъдиев А. Узбекистон халкдари тарихини укитиш
Тошкент. «Ўқитувчи», 1993
6. Умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандарти ва ўқув дастури
Тошкент. «Шарк», 1999 и. 2-сон
7. Т.Тошпулатов, Я.Раффоров Тарих укитиш методикаси
Тошкент. «Университет», 2002.
8. Н.И.Аппарович, Д.И.Полторак Кабинет истории и обществоведения в средней школе
Москва «Просвещение», 1982.
9. Курбонов Ш. ва бопщалар «Баркамол авлод орзуси»
Тошкент. «Шарк», 1998.
10. Махкамов С. Тарихдан ўқув уйинлари
«Узлуксиз таълим» журнали 2006 № 1.
11. Крдиров. Б Таълим тизимидаги ислохотларнинг максад ва йуналишлари
Тошкент. «Узбекистон», 1999.

**МАВЗУ: ТАРИХ ДАРСИ ТУРЛАРИ ВА УЛАРНИ РЕЖАЛАШТИРИШ**

РЕЖА:

1. Тарих дарсининг ўқувчиларга билим бериш, уларни мустакил Ватанга мухаббат рухидаги тарбиялашдаги урни

2. Тарих дарсларининг моҳиятини таълим жараёнини ташкил этиш

3. Тарих дарсларини турларга булиниши

Мактаб тарих курсининг максади, таълим-тарбиявий вазифалари ва мазмунини билиш учун тарих ўқитишнинг илмий асосларини эгаллаб олишнинг узигина кифоя килмайди. Тарих курсини укитиш, уни ўқувчиларнинг ўрганиши хам дарсда ва дарсдан ташқаридаги машгулотларда хдм давом этади. Мактаб да таълим-тарбия ишларнинг асосии ташкилий шакли дарсдир. Бинобарин, тарих дарсиниг ўқувчиларга билим бериш, миллий истиклол ғояси мафкураси рухида тарбиялаш ва камол топишидаги роли бекиёс каттадир. Зотан, тарих дарслари системасида хдр бир дарснинг тутган урни ва ахдмиятини тугри белгилаш, дарснинг илмийлиги ва ғоявийлигини таъминлаш, билиш крнуниятлари ва максадга мувофиқ ўқув формалари хамда ўқувчиларнинг ўқув ишини тугри ташкил этишга ёрдам берадиган, унга мое педагог жараёнини илмий асосда ташкил этиш алохида ахамиятга эгадир.

Тарих дарслари системасига, хусусан тарих дарсларининг у ёки бу турини танлашга тарих дастури материалларининг ғоявии мазмуни, унинг талим-тарбия вазифалари ва синф ўқувчиларининг умумии тайёргарлиги асоскилиб олинади. Бинобарин, Тарих дарсларининг хар хил турларидан фойдаланиш зарурияти тарих дастури мазмунининг бой ва хилма— хиллигидан хдмда таълим крнуниятларидан келиб чикади. Тарих укиташ методикаси таракдиётининг хрзирги боскичида назарий томондан асослаб берилган, фаол ўқувчилар тажрибасида синаб курилган тарих дарслари системасининг хилма-хил турларидан фойдаланиш мактаб тарих курсининг таълим-тарбия вазифаларини муваффакиятли амалга оширишга ёрдам беради.

Тарих дарси катор таълимий ва тарбиявий масалаларни хал этишга каратилганлиги билан характерланади. Тарих дарсида таълим-тарбия вазифаларининг купкирралиги уни укитишда кулланиладиган куп хилли методлар билан характерланади.

Дар бир тарих дарснинг уз мавзуси ва уз режасига эга булиши аксиомадир. Бир неча дарсларнинг бирлаштирган ката мавзулар албатта алохида дарслар мавзуларига булинмоги шарт. Ўқитувчи ҳеч вақт дарсни утган мавзунинг якуни ва янги мавзуни бошланиши сифатида утишга йул қуймаслик керак. Фикримизча бу талаб нафақат ўрта умумтаълим ёки махсус юрти учун булмасдан айниқса х^амма олий ўқув юртлари учун х^ам маъруза ва семинар машгулотлари учун булган асосии шартларнинг ажралмас кисмини ташкил этмоги даркор. Гап шундаки. Тематик бирликнинг бузилиши дарснинг ғоявий йуналишини, талабаларни синфда (аудитория ёки лабораторияда) олиб борадиган мустакдл ишларини, уй ишини бажаришни тугри ташкил этишни издан чикаради.

Дарснинг асосий ғоявий мазмуни, унинг таълимий ва тарбиявий вазифалари дарс жараёнида урганилаётган тарихий вокеликнинг мохияти, конуниятлари, сабаби, натижалари ва ахдмиятининг тугри баён қилишидагина тула амалга ошиши мумкин.

Дидактикада дарсларни классификация килиш масаласи мухим ахамият касб этади. Купгина методик адабиётларида жумладан, И.Н.Казанцевнинг «Урок в Советской школе» (МД956) китобида дарс мавзуларини классификация килишда уларни кириш дарси, Янги билимларни эгаллаш дарси, такрорлаш-умумлаштириш дарси ва хисобга олиш-текшириш дарси каби типларга ажратилади.

С.В.Иванов дарсларни классификациялашга дарсларда фойдаланиладиган методик воситаларнинг хусусиятларини ва дарс утишга энг куп ишлатиладиган методик асос килиб олиб, маъруза-дарс, кино-дарс, ўқувчилар мустакил иш олиб борадиган дарс типларини

тавсия этади.

Дарс типларини классификация килиш масаласи тарих укитиш методикасига доир адабиётда хам турлича хал килинган. Масалан, В.Н.Бернадский тарих дарсларини типларга ажратишда билимларнинг асосий манбаини ва хар кайси дарсда кулланиладиган етакчи методни асос килиб олган.

В.Г.Карцев тадкикртида эса дарслардаги ўқув фаолиятини етакчилик характери классификация учу насос килиб олиниб, тарих дарслари: янги билимлар бериш дарсига, утилган мавзуларни такрорлаш ва умумлаштириш дарсига, ўқувчилар билимини оғзаки ёки ёзма тарзда текшириш дарсига, хам да аралаш деб аталган типларга булинган.

М.А.Зиновьев эса уз тадкикртида дарснинг икки типини-янги мавзуни ўрганиш дарси ва такрорлаш дарсига булади. П.С.Лейбенгруб хам тарих дарслари классификациясини курсатишга харакат килади. Бироқ муаллиф тарих дарслари типлари устида фикр юритар экан, у уз фикрини асосан, уттан дарсни сураш, янги мавзуни ўрганиш ва мустаҳкамлашга йуналтиради.

Дарс турлари классификацияси хусусида А.А.Вагин томондан тавсия этилган вариантлар бирмунча талабга мувофикдир. У дарсларни классификациялашда дарснинг мохиятини, урганиладиган мавзунинг мазмунини, укитиш жараёнининг умумий крнуниятларини ва уқитувчи ҳамда ўқувчиларнинг *у(ар* қайси кундалик дарсларидаги фаолиятлари турларини асос килиб олиш керак деб курсатди. Унинг кайд килишича, масалан, V синфда (1) укитиш жараёнининг ҳамма асосий элементларини уз ичига олувчи дарс, (2) хикоя килиб бериш шаклида баён этиладиган дарс, (3) такрорлаш дарси олиб борилиши лозим. VI-VII синфларда дарс типлари купрок булиши, чунончи;

Укитиш жараенининг хамма асосии элементларини уз ичига олувчи дарс;
Янги мавзуни ўрганиш дарси (хикоя килиб бериш, кино, экскурсия);
Кириш дарси;
Хотима дарси;
Тахлил килиш дарси;
Малакка ва куникмалар хосил килиш дарси;
7. Такрорлаш-умумлаштириш дарслари олиб борилиши тавсия этилади.
А.А.Вагин дарс
типлари классификацияси хусусида фикр юритар экан, агарда бошлангич синфларда укитиш
жараенининг хамма асосии элементларини уз ичига олувчи дарс купроқ кулланилса, юқори
синфларга утиб бориш билан тарих ўрганишда дарс турларида дифференцация ката уринни
эгаллаши яъни юкори синфларга (УШ-Х) борганда тарих дарснинг унга якин турлари
булиши ва улар дан куйидагича вариантларни тавсия этди:
Мавзуга кириш дарси;
Янги тарихий ашёни ўрганиш дарси;
Тахлил килиш дарси;
Мавзу юзасидан хотималар дарси;
Такрорлаш дарси;
Умумлаштириш дарси;
Утган мавзуни сураш дарси;
Малакка ва куникмалар хрсил килиш дарси;
Билимни куллаш дарси;
10. Укитиш жараенининг хамма асосии элементларини уз ичига олувчи дарс;
А.А.Вагин томонидан тавсия этилган дарс типлари классификациясида инсон ва хукуқ, курсида кенг кулланилаётган дарс турлари:
семинар машгулотлари;
конференциялар;
диспутлар;

семинар-конференцияларга хам таалукди эканлиги кайд этиб утилади.
Дархакикат 60-йилларнинг иккинчи ярмидан эътиборан нафақат инсон ва жамият курсида балки катор мактабларда тарих курсидан олиб борилаётган факультатив курсларда хам дарснинг анна шундай шаклларидан «самарали» фойдаланилган.
Дарс жараёнида дар бир мавзунинг мазмунига караб бу талаблар концентрациясини амалга ошириб бориш шубхасиз дарс самарадорлигини ўқувчиларда тахдилий тафаккур этиш крбилятларини тузумли равишда камол топиб боришида ката рол уйнайди.

## МАВЗУГА ОИД ТАЯНЧ ИБОРАЛАР ВА АТАМАЛАР

1. Янги мавзуни баён килиш дарси
2. Тарихдан ўқув уйинлари
3. Такрорлаш дарси
4. Илгор методист ўқитувчилар тажрибаси

## МАВЗУ УСТИДА МУСТАКИЛ ИШЛАШ

1. Тарих дарсларини режалаштириш
2. Тарих дарснии тахлил этиш

## АДАБИЁТЛАР


1. Ислом Каримов Тарихий хотирасиз келажак йук.
Тошкент. «Шарк», 1998.
2. Ислом Каримов Узбекистан буюк келажак сари
Тошкент. «Узбекистан», 1998.
3. Бабанский Ю.К. «Хрзирги замон умумий таълим мактабларида укитиш методлари»
Тошкент. «Узбекистан», 1990.
4. Саъдиев А. Мактабда тарих укитиш методикаси
Тошкент. «Ўқитувчи», 1988
5. Саъдиев А. Узбекистан халклари тарихини укитиш
Тошкент. «Ўқитувчи», 1993
6. Умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандарти ва ўқув дастури
Тошкент. «Шарк», 1999 и. 2-сон
7. Т.Тошпулатов, Я.Рафforов Тарих укитиш методикаси
Тошкент. «Университет», 2002.
8. Курбонов Ш. ва бошкалар «Баркамол авлод орзуси»
Тошкент. «Шарқ», 1998.
9. Махкамов С. Тарихдан ўқув уйинлари
«Узлуксиз таълим» журнали 2006 № 1.

**МАВЗУ: ТАРИХ ДАРСЛАРИДА ЎҚУВЧИЛАР БИЛИМИНИ ТЕКШИРИШ ВА БАХОЛАШ.**

РЕЖА:

1. Ўқувчиларни билим даражасини аниклашда - текшириш, бахрлаш ва рейтинг тизими.

2. Билимларни текшириш усуллари.

3. Кундалиқ чораклик ва йиллик текширишлар.

Узбекистан Республикаси «Таълим тугрисида»ги крнуни ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» кабул килиниши муносабати билан таълим мазмунини янгилаш, миллийлаштириш, инсонпарварлаштириш, демократлашлаштириш борасида бир катор ижобий ишлар амалга оширилди. Жумладан, таълим тизимида ўқувчи- талабаларнинг билим даражасини аникдаш максадида рейтинг тизими ишлаб чикдлди ва жорий этилди. Чунки ўқувчи-талабаларнинг билим савияси ва узлаштиришининг сифат курсаткичларини доимий равишда назорат килиб, унинг натижаларини тахдил килиб бориш таълим мазмунини такомиллаштириш, самарадорлигини оширишда мухим ахамиятга эга.

Маълумки, рейтинг тизими таълим - тарбия сифати ва самарадорлигини назорат килишнинг янги, демократик усулларидан биридир. Ушбу тизимнинг таълим амалиётига кенг жорий этилишидан, кузда тутилган асосий максад ўқувчи талабаларнинг узлаштириш даражаларини тартибга солиш ва давлат таълим стандартлари (ДТС) талаблари билан такдослашга имкон яратувчи билим, куникма ва малакаларни мунтазам равишда ва табакалашган тарзда бахрлашдан иборат.

Рейтинг тизимини жорий этишда куйидаги вазифалар назарда тутилади: ўқувчи, талаба томонидан ДТС талабларини бажарилиши учун шарт-шароит яратиш; ўқувчи - талабалар таълим даражалар сифатини бахрлашда хрлислик ва аникдикка эришиш; ўқувчи- талаба шахснинг шахсий-психологик узига хосликларни ашцлашга кумаклашиш; ўқувчи- талабаларда таълим олишга булган ижодий интилиш ва эхтиёжларни шакллантириш; ўқувчи меҳнати натижаларини холис бахрлаш, унинг янги педагогик ва ахборот технологияларидан фойдаланишдаги ижодий фаоллигини ошириш; ўқитувчи ва таълим муассасасининг таълим тизимидаги ютукдари аниклиги ва ошкоралигини таъминлаш кабилар. Рейтинг умумтаълим мактабларда ўқувчиларга услубий ёрдам курсатиш, рейтинг мониторингини яратиш, унинг натижаларини хисоблаш, кайта ишлаш ва тахлил килиш, ўқитувчиларнинг педагогик фаолиятини тугри бахрлаш учун рейтинг - мониторинг гурухдари мавжуд. Рейтинг курсаткичларини туплаш ва хотирада саклаш, ҳисоблаш ва кайта ишлаш, услубий таҳлил килиш муаммоларин муваффакиятли ҳал этишда замонавий компьютер технологияларининг ахамияти каттадир. Шунинг учун барча вилоятлар туманлар ХТБ булимига карашли умумтаълим мактабларида ДТС асосларида аникданаётган БКМнинг тартиб ракам ва уларнинг ўқувчилар томонидан узлаштирилиши тугрисидаги мониторинг жадвали ишлаб чикилган. Жадвал маълумотлар базаси асосида ишлайди. Унда йуналишлар (мутахассисликлар) руйхати, хдр бир йуналишлар буйича ўқув режалари, фанлар буйича машгулот олиб борувчи ўқитувчилар тугрисида ўқувчилар хдкдда маълумотлар (синфи, исми-шарифи), хар бир фан буйича ўқувчининг туплаган бошлангич, нисбий ва хдкикий рейтинг баллари хамда ажратилган ўқув соатларига кура ўқувчининг чорак давомида рейтинг баллари хисоблаб чикилиб, сакланади. фанлар буйича жорий, оралик ва якуний назоратларни утказиш, натижаларни оммалаштириш шу жадвал оркали амалга оширилиб, натижалар компьютер хотирасида сакланиб куйилади.

Тарих таълим жараёнида эгалланган билим .куникма ва малакалар жахон таълими андозалари талабларига жавоб беришини таъминлаш бугунги куннинг долзарб муаммоларидан булиб хдсобланади. Бунда ўқувчини Ватан ва миллий мустақиллик ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш, таълим ва тарбия сохасида режалаштирилган ва

кутилган натижаларга эришишни кафолатлаш ута мухимдир.

Маълумки, ишлаб чикаришда олдиндан режалаштирилган натижага эришишни кафолатлаш куриб чиқилаётган жараёнларни технологиялаштириш орк.али амалга оширилади. Лекин ишлаб чикариш жараёнларидан фаркли уларок. таълимни технологиялаштириш узига хос ёндашувларни талаб килади, чунки таълим тизими мураккаб, куп киррали динамик тизимлардан иборатдир.

Шундан келиб чикиб, ўқитувчи таълим олувчиларни дарс жараёнидаги фаолиятини мунтазам назорат кила олиши ва уз вактида бахрлай билиши лозим. Бунга мавзунинг хаммасини сураш, таянч тушунчалар буйича сураш, режалаштирилган тест саволлари орқали сураш, муаммо куйиш, ижодий топширикдарни бажариш ваш у кабилар оркали эришади. Бундай жараёнда жорий ва оралик назорат турлари кенгрок фойдаланилади.

«Узбекистан Республикасида умумий ўрта таълим тугрисида»ги Низомга асосан ўқувчилар билими сифатини ва укитиш натижаларининг давлат таълим стандартларига мувофиклигини назорат килишни таъминлаш учун куйидаги назорат тартиботларини утказиш тавсия этилади:

Жорий назорат суровлар, уйин дарслар, семинарлар, ёзма ишлар, тестлар тарзида ўқувчиларнинг билимлари, малака ва куникмалари мунтазам назорат килинади. Жорий назорат ўқитувчи томонидан синф журналига ва узининг кундалик дафтарига 5 балли системада руйхдтга олади.

Оралиқ назорат чорак тамом булганда ва ўқув дастурининг тегишли булими тугаллангандан кейин ўқувчиларнинг билимлари, малака ва куникмаларини бахрлаш учун амалга оширилади. У имтихрнлар, тестлар, синовлар, ижодий ишлар, маърузалар ва малакага доир ишлар шаклида утказилади. Оралиқ назорат хар чоракда ярим йилликда ва йил якунида амалга оширилади.

Боскичли назорат ўқув йили тамом булгандан кейин имтихрнлар, тест синовлари, синовлар шаклида амалга оширилади. Унинг асосида рейтинг аникланади ва ўқувчини навбатдаги синфга утказиш тугрисида карор кабул килинади.

Якуний назорат ўқиш тугаллангандан кейин давлат аттестацияси шаклида утказилади.

2006-2007 укув йилидан бошлаб, ўқувчилар билимини бахрлашнинг рейтинг назорат тизими жорий этилиши муносабати билан хар чорак охирида утказилиши шарт булган якуний рейтинг назорат утказилади. Рейтинг назоратида ўқувчилар ўқитувчининг узи тузиб келадиган 20 та тестдан иборат топширигини бажарадилар. Бинобарин, якуний рейтинг назорат ишлари 1-чоракда, 2-чоракда, 3-чоракда, 4-чоракда утказилади.

## МАВЗУГА ОИД ТАЯНЧ ИБОРАЛАР ВА АТАМАЛАР

1. Узлаштириш мониторинги.
2. Рейтинг тизими.
3. Чоракдаги текширишлар.
4. Билимларни текшириш усуллари.

## МАВЗУ УСТИДА МУСТАКДЛ ИШЛАШ

1. Тарих дарсларида ёзма ишлар.
2. Тарих таълимида ўқувчи билимини бахрлаш.

## АДАБИЁТЛАР

1. Ислом Каримов Тарихий хотирасиз келажак йук
Тошкент. «Шарк», 1998.
2. Ислом Каримов Узбекистан буюк келажак сари
Тошкент. «Узбекистан», 1998.
3. Бабанский Ю.К. «Дозирги замон умумий таълим мактабларида укитиш методлари»

Тошкент. «Узбекистан», 1990.
4. Саъдиев А. Мактабда тарих укитиш методикаси
Тошкент. «Укдтувчи», 1988
5. Саъдиев А. Узбекистан халкдари тарихини укитиш
Тошкент. «Укдтувчи», 1993
6. У мумий ўрта таълимнинг дав лат таълим стандарти ва ўкув дастури
Тошкент. «Шарк», 1999 и. 2-сон
7. Т.Тошпулатов, Я.Раффоров Тарих укитиш методикаси
Тошкент. «Университет», 2002.
8. Н.И.Аппарович, Д.И.Полторак Кабинет истории и обществоведения в средней школе
Москва «Просвешение», 1982.
9. Курбонов Ш. ва бошкалар «Баркамол авлод орзуси»
Тошкент. «Шарк.», 1998.
10. Кобзева О.П Методика преподования истории в школе
Тошкент. «Ташкент», 2003.
11. Крдиров. Б Таълим тизимидаги ислохртларнинг максад ва йуналишлари
Тошкент. «Узбекистан», 1999.

## МАВЗУ: ТАРИХ ТАЪЛИМИ ВА СИНФДАН ТАШҚАРИ ИШЛАР

РЕЖА:

1. Тарих таълимида синфдан ташқари ишларнинг тарбиявий аҳамияти.
2. Синфдан ташқари ишларни уч гуруҳи.
3. Синфдан ташқари ишлар мазмуни ва шакли.

Синфдан ташқари ишлар асосан ўқувчиларни синфда олган билимларига таянган холда амалга оширилади хамда уларни мустаҳкамлаш ва бойитишга хизмат килади. Ўқувчилар ўқув материалининг асосий мазмунини синфда дарс давомида ўзлаштириб оладилар. Ўқувчиларнинг тарих дастури юзасидан ўрганиши зарур бўлган билим ва малакаларнинг хаммасини хам синф-дарс машғулотлари доирасига сиғдириб бўлмайди. Бунинг устига тарихий билимлар, илмий ва сиёсий ахборотлар ҳажми тез кенгайиб, муттасил ошиб бораётган шароитда ўқувчилар ўз билимларини тинмай тўлдира боришлари улар онгига миллий истиқлол ғояларини сингдириш, уларда миллий истиқлол мафкурасини шакллантириш учун синфдан ташқари ишларни яхши йўлга қўйиш ғоят зарурдир.

Тарих севиб ўрганиладиган фандир. Уни ўрганиш жараёнида ўқувчиларда ўтмишни пухта билиб олиш истаги ортиб боради, улардаги бу истакни синфдан ташқари ишларни яхши йўлга қўйиш йули билангина бажо келтириш мумкин.

Тарих предметйа юзасидан синфдан ташқари ишларнинг мазмуни, шакли ва методлари методик адабиётда турлича тасниф қилинади. Методист В.Н.Бернадский синфдан ташқари ишлар классификациясига билиш манбаларининг асос килиб олиб, уларни қуйидагича турларга бўлади, Маълумки, ўқувчилар фақат дарсликни ўқ,иш билангина чегараланиб қолса, уларнинг билим доираси ва ўтмиш ҳақидаги тасаввурлари тор булиб қолади. Шуни эътиборга олиб В.Н.Бернадский синфдан ташқари ишларнинг асосий шакли сифатида қўшимча ўқишни тавсия этади.

1. Қўшимча китоб ўқиш. У тарихдаги у укиладиган китобларни уч гуруҳга бўлади:
2. а)илмий-оммабоп китоблар, б) тарихий беллетристика, в)тарихий даврга оид бадиий адабиёт.
3. Қўшимча суратлар кўриш.
4. Жамоа булиб театр ва киноларга бориш хамда уларни биргаликда муҳокама қилиш.
5. Тарихий кечалар уюштириш.
6. Тарихий инсценировка ёки пьесалар қўйиш.
7. Мактабда тарихий кўргазмаларини ташкил этиш.
8. Олисдаги тарихий жойларга экскурсиялар уюштириш.

В.Н.Бернадский фикрича, ўқувчилар синфдан ташқари қўшимча китоб ўқиб, фильмлар кўриб, радио, маърузалар эшитиб, олган билимлари ва тасаввурларини амалий фаолият билан қўшиб олиб бориб, хосил килинган тақдирдагина кўзланган мақсадга эришади, мустақилликни, ташаббус ва ижодий ишлаш қобилятини ўстира олади.

Мустақиллик шароитида комил инсонни тарбиялаш давлат сиёсатини устувор йўналиши қилиб белгиланди. Буни амалга оширилишининг методологик педагогик ва психологик асослари «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»да ўзининг илмий ифодасини топди.

А.Ф.Родиннинг тарих таълимида синфдан ташқари ишлар сохасидаги тадқиқотларининг яна бир қимматли томони шундаки, уларда синфдан ташқари ишларни ўқувчиларнинг ижтимоий фойдали фаолияти билан (маҳаллий ёдгорликларни мухофаза килиш, фуқаролар уруши, Улуг Ватан уруши ва дўстлик қабристонларнинг парваришига карашиб

туриш, ахоли орасида турли хил мавзуларда маъруза ва суҳбатлар уюштириш, газета, журналлар ўқ,иб бериш ва ҳоказолар билан) боғлаб олиб бориш зарурлиги таъкидланади.

Методист А.А.Вагин тарих таълимида синфдан ташқари қилинадиган иш методлари сохасида кеиинги иилларда орттирилган илғор тажрибаларни умумлаштириб, уларни уч гуруҳга бўлади.

1.Оғзаки метод. Синфдан ташқари ишларнинг бу гурухига ўқитувчининг ҳикоя қилиб бериши, овоз чиқариб ўқиши, юқори синфларда эса, ўқитувчининг дарсдан кейин бўладиган маърузаси киради. Синфдан ташқари ишларда ўкувчиларнинг фаоллигини ва мустақиллигини ошириш мақсадида ўқувчилар ҳам оғзаки сўзлаб бериш методидан фойдаланади. Ўқувчилар тўгарак йиғилишларида, тарихий кечаларда, маърузалар гурухда, қуйи синф ўқувчилари ва ахоли орасида қисқача ахборотлар, доклад ва рефератлар билан катнашадилар, мунозараларда, назарий конференцияларда, тарихий материаллар (китоблар, кинофильмлар ва пьесалар) мухркамасида иштирок этадилар.

2. Ёзма ва босма манбалар билан ишлаш методи. Синфдан ташқари ишларнинг бу турига қўшимча китоб ўқиш, тарихий-адабиёт-тупламлар, хрестоматиялар, архивлардаги хужжатлар ва бопщаларни ўрганиш, вақтли матбуотни ўрганувчилар тўгараги, кулёзма ва архив хужжатларини ўрганувчи «ёш архивчилар тўгараги» барпо килиш, «Китоб ва унинг тарихи» деган мавзуда кеча ташкил этиш, ўлканинг утмиши ва хрзирги ҳаётига доир дар хил китоб ва маколалар, куле'змаларни ўрганиш, халқ оғзаки ижодига доир материалларни туплаш, тарихий воқеаларнинг шохидлари ва иштирокчиларининг хикояларини ёзиб олиш, улар билан хат ёзишиб туриш, тарихий хужжатларни ўрганиш каби ишлар киради.

3. Курсатмали материаллар билан ишлаш методи. Иллюстрация ва диапозитивларни курсатиш, фильмларни куриш, экскурсия материалларини ўрганиш каби дарсда бошланган ишлар синфдан ташқари давом эттирилади. Бундан ташқари экскурсия, поход ва экспедициялар давомида тупланган материаллар нусхасини купайтириш, ранга олиш, шу материаллар асосида моделлар яса шва намойиш килиш хам шу гурухга доир ишлар каторига киради. Бу ишлар хам синфдаги ишлар билан боглик олиб борилади. Гап шундаки, ўқувчилар дарс жараёнида эгаллаган куникма ва малакаларини синфдан ташқари ишларда янада ривожлантириб, такомиллаштириб борадилар.

Ўқувчиларнинг ёши, билим ва малакалари, уларнинг индивидуал мойиллигига ва кизикишига караб, тарих таълимида синфдан ташқари ишларнинг мазмуни, шакл ва методлари турлича булади. Хозир мактабда синфдан ташқари ишларнинг куйидаги асосий, ташкилий шакллари мавжуд.

1. Тарих тўгараги (ёки тарихий-ўлкашунослиқ тарихий-сиёсий тугарак).
2. Тарих (ёки тарихий-ўлкашунослик) жамияти.
3. Синфдан ташқари тарихий ёки тарихий-ўлкашунослик экскурсиялари, жамоа булиб театр ва кинога бориш (маданий юришлар).
4. Узоқ жойларга тарихий-ўлкашунослик экскурсиялари.
5. Археология экспедициясида катнашиш.
6. Тарихий ёки ўлкашунослик бурчаклари, музейлари.
7. Ҳисобот ёки мавзувий кургазмалар.
8. Тарихий (тарихий-ўлкашунослик) конференциялар, мунозара, ва мухркамалар.
9. Мактаб ўқувчиларининг тарихий воқеаларнинг катнашувчилари ва шохидлари, ёзувчилар ва тарихчилар билан учрашувлари.
10. Тарихий ёки тарихий-ўлкашунослик уйинлари.
11. Синфдан ташқари ўқишлар.

Куриниб турибдики, синфдан ташқари ишларнинг шакллари турли-туман, мазмуни бой, хатто мактаб тарих курсининг мавзусидан четга чикиши хам мумкин. Шуни айтиш керакки, синфдан ташқари ишларнинг мазмуни канчалик бой ва турли-туман шаклларда олиб борилмасин, улар бир максадга: таълим-тарбия вазифаларини амалга оширишга хизмат килади.

## МАВЗУГА ОИД ТАЯНЧ ИБОРАЛАР ВА АТАМАЛАР

1. Синфдан тапщари ўқиш
2. Тарихий кечалар
3. Тарих тўгараги
4. Очиқ турдаги музейлар

## МАВЗУ УСТИДА МУСТАКИЛ ИШЛАШ

1. Археологик экспедицияда катнашиш
2. Ўлкашунослик музейлари

## АДАБИЁТЛАР


1. Ислом Каримов Тарихий хотирасиз келажак йук
Тошкент. «Шарқ», 1998.
2. Ислом Каримов Узбекистон буюк келажак сари
Тошкент. «Узбекистон», 1998.
3. Бабанский Ю.К. «Хозирги замон умумий таълим мактабларида укдтиш методлари»
Тошкент. «Узбекистон», 1990.
4. Саъдиев А. Мактабда тарих укитиш методикаси
Тошкент. «Ўқитувчи», 1988
5. Саъдиев А. Узбекистон халклари тарихини укитиш
Тошкент. «Ўқитувчи», 1993
6. Умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандарти ва ўқув дастури
Тошкент. «Шарқ», 1999 и. 2-сон
7. Т.Тошпулатов, Я. Ғаффоров Тарих ўқитиш методикаси
Тошкент. «Университет», 2002.
8. Курбонов Ш. ва бошқалар «Баркамол авлод орзуси»
Тошкент. «Шарқ», 1998.
9. Махкамов С. Тарихдан ўқув уйинлари
«Узлуксиз таълим» журнали 2006 № 1.

## МАВЗУ: ДАРСЛАРНИ ТАХЛИЛ ҚИЛИШ ПРИНЦИПЛАРИ

РЕЖА:

1. Дарс тахлил этишдаги аниклилик.

2. Дарс тахдил килиш тартиби.

3. Дарс тахдилида умумий крнун-кридарга риоя этиш.

Ўқитувчининг махррати куп жихатдан унинг дарс утиш санъатини накадар чукур эгаллаганлиги билан улчанади. Биринчи дарсидаёк. ўқувчиларни хар томонлама узига ром кила олиши кейинги фаолиятида хам мухим урин тутади. Бу махррат, талабалик давридан бошлаб шакллана бориши алохида ахамият касб этади. Шунинг учун хам педагог кадрларнинг касбий тайёргарлиги тизимида ўқитувчилик махррати юқори урин тутиб, олий ўқув юртларидаги ўқув-тарбия жараёнининг узвий қисми ^амда талабаларни дастлабки касбий педагогик фаолият тажрибаси билан куроллантиришнинг му^им омили хисобланади.

Хозирги шароитда укитувчи маҳорати салмогини мазмунан ошириш ва уни ташкил этишнинг илмий савиясини кутариш ҳаётий зарурат булиб колмовда.

Талабаларнинг ўқитувчи маҳоратига илмий ёндашиш учун, аввало, бу талабаларга мулжалланган методик тавсиялар ишлаб чикиш талаб этилади. Укув жараёни даврида талаба келгусида, масалан тарих ўқитувчиси сифатида фаолият курсатишга пухта тайёрланиши зарур. Айникса, маъруза, амалий машгулотлар ва семинар давридаёқ талабаларни утилган дарсларни таҳлил қилишга ургатиш катта аҳамият касб этади. Чунки дарснинг сифати ва самарадорлигини укдтувчининг уз фикрини қай даражада ифодалай билиши ва узининг методик махррати уни ўқув жараёнида куллашигагина эмас, балки узининг ва бошқаларнинг камчилик ва хатоларини тахдил щла олиш куникмаларини эгаллаганига ҳам боглик. булади.

Дарсни таҳлил қилиш мураккаб ва маъсулиятли жараён булиб, унинг сифати шу фаолиятни амалга ошириш учун кай даражада тайёрланганига боглиқ булади.

Дарсга бахр беришга куп шкалали рейтинг тизими асосида ёндашилса, унинг объективлиги ортади, ўқитувчининг фаолияти хакида кенг камровли хулоса чикаришга имкон беради.

Дозирги кунда Олий ва ўрта махсус таълим, умумтаълим мактабларида кузатилган дарсни 100 балли шкала асосида тахдил к^илишнинг янги методикасини ишлаб чикдик. Унда асосий эътибор укдтувчининг дарс бериш фаолиятидаги сифат ва самарадорликни холис бахрлашга каратилган.

Тарих дарсини таҳлил килиш тартиби I.

Дарснинг мазмуни (35 баллгача).

1. Дарс мавзусининг мазмуни ва хажми тугри аникланганми?

2. Дарсда ўқитишнинг илмийлиги ва ғоявийлик принципига амал киладими? Ўқув материалидан ўқувчиларда Дунёкараш ва политехник таълим унсурларини шакллантириш максадида фойдаланилдими?

3. Ўқитувчи томонидан илмий хатоларга, тарихий атама ва ибораларга, ортикча соддалаштиришларга йул куйилмадими? Агар шу хилдаги хатоларга йул куйилган булса, уларни ўқитувчи уз вактида тузатадими? Ўқувчилар жавобидаги шу хилдаги хатолар тузатиб бориладими?

4. Дарснинг мазмуни мантикжихатдан тугри якунланадими?

П. Дарс структураси (10 баллгача).

1. Дарснинг кириш кисмига, асосий кисм утилган дарс мавзуси мазмунинитакрорлаш замон талаби асосида давлат стандартларига тугри келадими бунга , якуний кисмларига вакт кандай таксмланади?

2. Дарснинг кириш кисми кандай угказилди? Утган дарс материалини сурашга етарли ах^амият бериладими? Умуман, такрорлаш зарурмиди? Утган дарс материали билан янги мавзу мазмуни орасидаги богланиш уринли булдими?

III. Дарс утиш методикаси (25 баллгача).

1. Ўқувчиларнинг диққати осон масаларга жалб қиладими? Ёки бу масалалар мазмунан булиб уРганиадими? Дарснинг жиҳози, тарқатма материаллар оркали буладими?

2. Янги мавзунимазмунини тушунтиришда ўқитувчи янги педогогиктехнологиядан интерфаол усуллардан ноъананавий методларда фойдаланадими?

3. Дарсдаги асосий саволлар, асосий масалалар, кичик мавзулар, муаммолар аниқ куйилдими?

4. Дарс жараёнида бу масала ва муаммолар амалда кандай хал килинди? Уларни хал килишда ўқувчилар фаолияти кандай намоён булди?

5. Сухбат утказиш техникаси кандай? Саволар тугри КУИИЛДИМИ? Сух.бат утказиш зарурмиди? Сунъийлик ва вакт мезонини ортикча утказишга йул куйилмадими? Ўқитувчи ўқувчиларнинг жавобларига кандай муносабатда булди? Укилган дарс мазмунини такрорлашда саволлар ёзилган карточкалар оркали амалга оширилиши талаб даражасидами? Ўқувчиларнинг карточкадаги саволлар буйича жавоблари тулик ва тугри булишини кузатиб бордими? Ўқувчилар жавобидаги хатолар тузатилдими? IV. Кургазмалиликдан фойдаланиш (10 баллгача).

1. Мавзуга оид таркатма материаллар намуналари тугри намойиш килиндими? Улар ўқувчилар учун куринарли булдими? Тегишли таркатмали материаллар намуналари ўқувчилар кулига берилдими? Кургазмалилик дарснинг боришига кандай таъсир килди?

2. Ўқитувчи тарих укитиш методикасини кандай эгаллаган? Бу жихатдан кандай камчиликлар ёки намуна учун ибрат буладиган хрлатлар бор?

3. Дарсда кулланилган кургазмали куроллар, хариталар куйилганми? Намойиш доскасида тартиб кандай? Ўқувчиларга берилган таркатма материалар уларни билим савиясини ошириш максадида тайёрланганми?

4. Намойиш килиш методикаси ва техникаси кандай? Янги ахборот технологияларидан фойдаланилдими?

V. Дарснинг якуний кисми.(5 баллгача).

1. Мавзуни мустаҳкамлаш тугри уюштирилдими? Дарс якунида утилган мавзуга оид акдий ҳужум, дарсни мустаҳкамлаш килиндими?

2. Ўқитувчи ўқувчилар томонидан янги билимлар мазмуни онгли узгартирилганлиги хакида ишонч ҳосилқилдими?

3. Уй вазифаси качон ва қандай тартибда берилди? Ўқувчиларга нимани ўқиш, нимани ёзиб келиш кераклиги тушунтирилдими?

VI. Ўқитувчини нутки, синфда узини тутиши ва ўқувчилар билан муносабати (5 баллгача).

1. Ўқитувчини нутки равон аникми? Унинг нуткида услубий хатолар, кераксиз сузлар, нотугри ибоарлар, кераксиз соддалаштиришлар йукми?

2. Ўқитувчи синфни богщара оладими? У кандай йуллар билан синфда ўқувчилар интзомини ташкил килди ва уларнинг диккатини узига карата олди?

3. Ўқувчилар дарс мавзусини кизикиш билан ургандиларми? Уларнинг сухбатда фаоллиги кандай?

VII. Дарснинг якуний кисми (+10 дан -10 баллгача).

1. Эришилган ютуклар.
2. Дарсда йул куйилган камчиликлар.

## МАВЗУГА ОИД ТАЯНЧ ИБОРАЛАР ВА АТАМАЛАР

1. Дарснинг мазмуни.
2. Дарс тузилиши.
3. Дарс утиш методикаси.
4. Дарснинг якуний кисми.

# МАВЗУ УСТИДА МУСТАКИЛ ИШЛАШ

1. Дарс тахлилининг таълим-тарбия жараёни билан богликдиги.
2. Дарс кузатиш жараёнида тугилган фикр хулосалар.

## АДАБИЁТЛАР


1. Ислом Каримов Тарихий хотирасиз келажак йуқ
Тошкент. «Шарқ», 1998.
2. Ислом Каримов Узбекистан буюк келажак сари
Тошкент. «Узбекистон», 1998.
3. Бабанский Ю.К. «Дозирги замон умумий таълим мактабларида укитиш методлари»
Тошкент. «Узбекистон», 1990.
4. Саъдиев А. Мактабда тарих укитиш методикаси
Тошкент. «Ўқитувчи», 1988
5. Саъдиев А. Узбекистон халклари тарихини укитиш
Тошкент. «Ўқитувчи», 1993
6. Умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандарти ва ўқув дастури
Тошкент. «Шарқ», 1999 и. 2-сон
7. Т.Тошпулатов, Я.Раффоров Тарих укитиш методикаси
Тошкент. «Университет», 2002.
8. Н.И.Аппарович, Д.И.Полторак Кабинет истории и обшествоведения в средней школе
Москва «Просвешение», 1982.
9. Курбонов Ш. ва бошкалар «Баркамол авлод орзуси»
Тошкент. «Шарқ», 1998.
10. Махкамов С. Тарихдан ўқув уйинлари
«Узлуксиз таълим» журнали 2006 № 1.
11. Крдиров. Б Таълим тизимидаги ислохртларнинг максад ва иуналишлари
Тошкент. «Узбекистон», 1999.

**МАВЗУ: ДАРС ТАХЛИЛИНИНГ МАҚСАДИ, ВАЗИФАЛАРИ ВА ТУР ЛАРИ**

РЕЖА:

1. Тарих таълимида дарс тахлили.
2. Дарс тахлилининг максад ва вазифалари.
3. Дарс тахлили турлари.

Мамлакатимиз мустақиллигининг дастлабки кунларидан бошлаб ўқитувчилик касбининг ахамияти ва нуфузини юқори кутариш буйича аниқ максадга каратилган ишлар изчиллик билан руёбга чикарилмокда, педагогларнинг касбий маҳоратини яхшилашга йуналтирилган чора-тадбирлар амалга оширилмокда. Ўқитувчининг касбий махрратини оширишда дарс тахлили мухим урин тутади.

Умумўртатаълим мактабларида тарих Фани ва бошка фанларини укитишда хар бир ўқув фанини ўқитувчи томонидан кднндай укитилаётгани, уни уқитиш методлари шу фанни ўқувчи онгига қандай етказилаётганлиги мактаб маъмурияти, ўқитувчилар жамоасида системали равишда таҳлил ^илиб берилади.

Дарс тахлилини келажакни кузлаб, изчилликни урнатган ҳолда, синфларда уқитилаётган фанларни узаро алоқадорлигини ҳисобга олган хрлда илгор педагогик тажрибаларни ёйиш ва ўрганиш назарда тутилди.

Республика умумтаълим мактабларида тарих таълим тузилиши ва мазмунининг хусусияти икки мустақил курс Жахон ва Узбекистан тарихининг энг кадимги давридан хрзирги кунгача булган тарихий жараёнлар, воқеаларни хронологик изчилликда ўрганишдан иборатдир.

Дарс таҳлил ёрдамида ўқувчиларнинг тарихий материални тулик. идрок этишлари учун оддий методик усулларни куллашдан мураккабга караб бориш лозим.

Дарсс тахлили ўқитувчининг уқувчиларда замон ва маконга оид тасаввурларини шакллантиришда тарихий воқеалар хрдисалар ва жараёнларнинг мохияти, сабаби ҳамда натижаларини тушунтиришда мухим урин тутади. Шуларни хисобга олган ҳолда дарс таҳлилини максад, вазифалари қуйидагича:

Уқув-методик кулланмаларда тавсия этилган илгор тажрибаларни амалда жорий этиш.

Бериладиган таълим мазмуни ва вазифаларни аниклаб олиш, даражасини аникдаш.

Таълим усулининг дидактик принципларига амал килиш.

Уқувчилар билими ва малакалари даражасини белгилаб олиш ва билимни синфда талкин этиш.

Самарадорлик ва умумий ташкилий талабларга амал килиш.

Фандаги янгиликларни, иилгор тажрибаларни таргибот этиш.

Ижодий изланувчи ўқитувчилар тажрибасини аникдаб, уларни амалда куллаб бориш.

Ўқитувчи ва ўқувчи акдий фаолияти «Узаро муносабатлардаги янгиликни ўрганиш».

Умумтаълим мактабларида укитилаёттан предмет ва предметнинг тизими, хажми. Мазмун ва асосларини аникдаш.

Ўқитувчининг ёзма, оғзаки нуткида учрайдиган камчиликларнинг тугилиши сабабларини тахдил этиш, камчиликларни бартараф килишга ёрдам берадиган чораларни белгилаш.

Ўқувчиларнинг аниқ тушунишлари, билимларини пухта эгаллашлари, уларнинг уз хаётларида турмушга тадбиқ эта билишлари учун йул-йурикдар белгилаб олиш.

Мехдатга мухаббат, ёшларни миллий ғоя, ватанпарварлик рухдда тарбиялаш ва уларда ахдокий эстетик сифатларини камол топтириш учун ўқитувчи қуллаган тадбирларни атрофлича ўрганиш.

Методикадаги, илм-фан янгиликларини амалда кулланишини аникдаш ва хакозолардан иборатдир.

Ўқув-амалий машгулотлар давомида дарсс таҳлилининг турлари.

Илмий тахлил.

Психологик таҳлил.

Методик тахлил.
Дидактик тахлил.
Умумий пед агогик тахдил.

Дарс тахлили ёш ўқитувчи ва ўқувчининг билиш к^ийинчилиги, яъни урганилаётган муаммо устида фикр юритишни талаб килади. Дарс таҳлили уқитувчини янги педагогик технологиялар, методлар, илгор педагогик тажрибалар билишга кизикдш уйготади.

Хозирги шароитда асосий эътибор кургазмалиликни янги усуллари, ахборот технологиясидан фойдаланиш, ўқув жараёнига компьютерни жорий кдлиш талаб этилади. Дарс тахлили давомида анна шунга эътибор бериш талаб этилади.

Хулоса килиб айтганда, дарс тахдили мактабда тарихни укитиш ва уни ўрганишга янгича ёндашиш, куп йиллик мактаб тажрибасига хдмда илмий-тадкикрт хулосаларига асосланган бу ҳақиқатни, педагогик илмий принципларини амалда татбиқ этиш, хрзирга кадар тарих укитиш соҳасида йул куйилиб келинган хато ва камчиликларнинг асл моҳиятини ёш тарихчи ўқитувчилар тезроқ англаб олиши улардан тегишли хулоса чикариш, қайта такрорламаслик бугунги ва келажакдаги вазифаларни тугри белгилаб олишга кумаклашади. Шундагина тарих укитиш олдига куйилган вазифалар муваффақиятли амалга оширилади, мустақил Республикамиз манфаатининг маънавий баркамоллиги учун хизмат к.илади.

## МАВЗУГА ОИД ТАЯНЧ ИБОРАЛАР ВА АТАМАЛАР

1. Дарс оғзаки тахдили.
2. Дарс тахлилига ўқитувчининг шахсий муносабати.
3. Дарс тахдилини режалаштириш.
4. Дарс тахдилини кузатиш.

## МАВЗУ УСТИДА МУСТАКИЛ ИШЛАШ

1. Дарс кузатиш жараёнида ўқитувчига бериладиган маслахатлар.
2. Дарс тахдилида ўқитувчи шахсини урганилиши.

## АДАБИЁТЛАР


1. Ислом Каримов Тарихий хотирасиз келажак йук
Тошкент. «Шарк», 1998.
2. Ислом Каримов Узбекистан буюк келажак сари
Тошкент. «Узбекистон», 1998.
3. Бабанский Ю.К. «Хозирги замон умумий таълим мактабларида укитиш методлари»
Тошкент. «Узбекистон», 1990.
4. Саъдиев А. Мактабда тарих укитиш методикаси
Тошкент. «Ўқитувчи», 1988
5. Саъдиев А. Узбекистон халкдари тарихини укитиш
Тошкент. «Ўқитувчи», 1993
6. Умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандарти ва ўқув дастури
Тошкент. «Шарк», 1999 и. 2-сон
7. Т.Тошпулатов, Я.Рафforов Тарих укитиш методикаси
Тошкент. «Университет», 2002.
8. Н.И.Аппарович, Д.И.Полторак Кабинет истории и обществоведения в средней школе
Москва «Просвешение», 1982.
9. Курбонов 111. ва бошкалар «Баркамол авлод орзуси»
Тошкент. «Шарк», 1998.
10. Крдиров. Б Таълим тизимидаги ислохртларнинг максад ва иуналишлари
Тошкент. «Узбекистон», 1999.

# МАВЗУ: ТАРИХ ТАЪЛИМИНИ ТЕХНОЛОГИК ТАШКИЛ ЭТИШ.

РЕЖА:

1. Тарих таълимида техно логик ёндашув.

2. Тарих таълимида фаол методларни куллаш.

Узбекистан Республикасининг «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»да таълим муассасаларининг моддии-техника ва ахборот базасини мустаҳкамлашни давом эттириш, ўкув-тарбия жараёнини говори сифатли ўкув адабиётлари ва илгор педагогик технологиялар билан таъминлашга алохида эътибор берилган.

Тарих таълими максадлари, унинг мазмуни, укитиш ва таълим бериш методлари, назорат ва натижаларни бахрлашни узаро алокада ва бир-бири билан богликликда лойихалаш-купинча анъанавий ўкув жараёнида етишмайдиган жихатлардир. Куп хрлларда таълим, ахборотни эслаб крлишга йуналтирилган, ўкувчини булажак фаолияти эса муайян ишларни бажариш кабул килиш билан боглиқ булади. Аслини олганда, педагогик технология -- бу укитишга янгича, узига хос (инновацион) ёндашувдир. У педагогикадаги ижтимоий-мухандислик тафаккурининг ифодаланиши, технократик илмий онгнинг педагогика сохасига кучирилган тасвири, таълим жараёнининг муайян стандартлашуви хдсобланади.

Технология тушунчаси юнонча «махррат», «санъат», «тушунча», «ўрганиш» демакдир. Технология сузи замирида жараёнларни амалга ошириш усуллари ва воситалари ҳақида билимлар йигиндиси, шунингдек объектда содир буладиган сифат узгаришлари тушунилади.

Педагогик технология деганда, технологик (ишлаб чикаришдаги) ёндашувларга айнан ухшаш булган таълимда куйилган максадларга эришиш кафолатланган (якуний натижани олиш) таълим жараёни тушунилади. Бундай таълим жараёни технологиялаштирилган хисобланади. Технологиялаштирилган таълим укдтувчи шахсига боглиқ булмаган, фақат ўкувчи (талаба) таълим жараёнидир. Ўкувчи (талаба) таълим жараёни марказида туради. Бунда дарсни ким (тажрибали у^итувчими ёки ёш укитувчими) олиб боришидан катъи назар кузланган якуний натижа (максадга кура)га эришиш кафолатланиши лозим. Таълимда ўқитувчи фақат ижрочи вазифасини бажаради.

« Биз нафақат сиёсий жабҳани, балки иқтисодиётни хам, ижтимоий хаётни ҳам, маънавий-аҳлоқий сохднихам ислоҳ килишимиз зарур. Бу ғоят кенг куламдаги ислох^отлар булиб, биз уларни комплекс тарзида хал килиш оркалигина уз масадларимизга эриша оламиз »-деб таъкидлаган эди юртбошимиз И.Каримов. Янгичатаълим тизимини куриш, жараёнларга янги таълим технологияларини киритиш, укувчи-ёшларни, талабаларни мустақил ижодий ишлашга, эркин фикрлашга ургатиш, педагогик жараёнларда ноанъанавий, кизикарли, фаол, инновацион усуларникуллашни хозирги кунимиз такозо килмокда. УКИТИШ жараёнларида ноанъанавий таълим усулларидан: «Конфереция дарси», «Семинар дарси», «Аралаш дарси», «Кургазмали куроллар ёрдамида дарс утиш», «Тарихий адабиётларни ўрганиш ва тахлил кдлиш», «Эврика»( уйлаб топ): талимни Кизикарли, фаол усулларидан: «Кичик ва катта гурухдарда ишлаш», «Роли уйинлар», «Кроссвордлар ечиш», «Заковот саволлари», «Тест синов» топшириклари, «Турли таркатма материаллардан фойдаланиб дарс утиш», талимнинг инновацион (янги) усуллари: «Модификациялашган таълим», «Импровизация», «Акдий хужум», «Дебат», «Танкидий тафаккурни ривожлантирувчи усул», «Кластер усули», «Муаммоли вазият», «Муайян холат, вазиятни ўрганиш, тахдил килиш», «Хар Ким хар кимга ургатади», «Мултимедиа», ва бонцаларни куллаш мухимдир.

Таълимнинг инновацион усули булган «Модификациялашган таълим»- шакли узгартирилган маъруза булиб, талабалар ёки ўкувчиларбилан мулокрт тарзида олиб борилади. Афзаллиги шундаки, талабалар ёки ўкувчлар уз устида мустакил, дарс жараёнида фаол иштирок этадилар. Талабалар ёки ўкувчилар Янги мавзуни ўқитувчи

билан биргаликда тахдил қиладилар.

«Импровизация» -тайёргарликсиз баён этиш усули булиб, ўқитувчи талабаларга ёки ўқувчиларга савол ёки топшириқ беради ва дархрл унинг жавобини тайёргарликсиз тушунтириб беришини сурайди. Бу усулнинг афзаллиги шундаки, талабалар ёки ўқувчилар уз шахсий фикрларига, дунёкарашга эга буладилар, уларнинг оғзаки нутки ривожланади, хар бир савол-топшириқларни хотирада тез тахлил қила олиш куникмалари шаклланади.

«Ақлий хужум»усули. Уқитувчи талабаларга ёки ўқувчиларга бирон-бир савол ёки топшириқ беради, улар эса Ушбу савол ёки топширикда бирин-кетин, кема-кет уз фикр-мулохазаларини билдирадилар. Афзаллиги- янги мавзу ёки дарсни бошламасдван аввал ушбу усул кулланилса, талабалар ёки ўқувчилар дарсга, янги мавзуга тайёргарлиги, дикдати фаол жалб килинади, хар ким уз фикрини эркин намоён қила олиш имкониятига эга булади.

«Муаммоли вазият» усули. Бу усулни укитиш жараёнида куллашда ўқитувчи талабалар ёки ўқувчиларга хаёётий вокеа, ҳодисалардаги муаммоли ҳолатлардан мисоллар келтиради.

Бундам вазият юзасидан талабалар ёки ўқувчилар уз фикр-мулохазаларини билдирадилар, муаммони атрофлича хал киладилар. Усулни афзаллиги шундаки, талабалар ёки ўқувчилар муаммо устида бош котирадилар, уз фикрларини билдирадилар, хаётдан ижобий сабоқ оладилар. Шунингдек бу усулни куллаш оркали таълимнинг тарбиявий, хдёт билан богликлик принципларининг узвий (боглик)лигига эришилди.

«Муайян хрлат ва вазиятни ўрганиш, тахлил килиш» усули. Бу усул юқоридаги усулга мазмунан ухшаш булиб, уни куллашда хаётий вокеа, хрдиса, вазият юзасидан мисол келтирилади. Талабалар ушбу хаётий вокеа, хрлат ва вазият юзасидан уз фикрларини билдирадилар, тахлил киладилар. Укдтувчи эса, хулосалаб, умулаштиради. Бу усулнинг афзаллиги- талабалар хаётий воқеа, хрлатларга уз муносабатларини билдирадилар, бу вазиятларни эркин, мустакил, ижодий ёндашган холда тахлил қиладилар.

Таъкидлаш жоизки, юқорида зикр қилинган янги инновацион фаол усулларни укитиш жараёнида қўллашда куйидаги талаб ва тавсияларга риоя килиш лозим:

-таълимнинг ноанъанавий, қизиқарли, фаол, инновацион(янги) усуллари ҳақида маълумотга эга булиш, уларнинг мазмун-моҳиятини тулиқ тушуниб етиш ва укитиш жараёнида куллаш;

-уқитиш жараёнида фаол усулларни кулланиши самарали услубиётини танлай олиш;

-инновацион, фаол усуларни хар бир фан хусусиятларидан келиб чикиб қуллаш;

-укитиш жараёнида фаол инновацион усуллардан фойдаланишда таълим-тарбия принципларнинг узвий (боглик)лигига эришиш;

-укитиш жараёнида талабаларнинг узига хос хусусиятларини хисобга олиш (билимлилик даражаси, қизиқиши, индивидуал ёндашиш ва бошкалар);

- талабалар ва ўқувчиларни укитиш жараёнида фаолликка чорлаш усуларини тугри танлай ола билиш, уз устида мустакил, ижодий ишлашга, эркин фикр юритишга ургатиш мухим ахдмият касб этади.

Истиқлол, янгиланган рухият, айникса, усиб келаётган ёшлар онгида дунёга илмий асосланган хрлда караш имкониятини яратди. Таълимни замонавий технологиялар асосида ташкил этишнинг негизида таълим технологияси, тарбия технологияси хдмда ахборот технологиялари шаклланди. Таълимга бундай ёндашув уз навбатида таълим самарадорлигига эришишга олиб келади хамда жамиятимиз аъзоларининг интеллектуал салоҳиятини устириш, маънавий киёфасини шакллантириш, уларнинг гурурини уйготиш, ифтихор туйгусини тарбиялашга хизмат килади.

МАВЗУГА ОИД ТАЯНЧ ИБОРАЛАР ВА АТАМАЛАР

1. Технология тушунчаси.
2. Тест синов топширикдари.
3. Инновацион (янги) усуллар.
4. Ноанъанавий таълим усуллар.

МАВЗУ УСТИДА МУСТАКИЛ ИШЛАШ

1. Тарих таълими тизимида янги педагогик технологиялар богликдиги.
2. Тарих таълимида «аклий хужум».

АДАБИЁТЛАР

1. Ислом Каримов Тарихий хотирасиз келажак йук
Тошкент. «Шарқ», 1998.
2. Ислом Каримов Узбекистан буюк келажак сари
Тошкент. «Узбекистан», 1998.
3. Бабанский Ю.К. «Хозирги замон умумий таълим мактабларида укитиш методлари»
Тошкент. «Узбекистан», 1990.
4. Саъдиев А. Мактабда тарих укитиш методикаси
Тошкент. «Укитувчи», 1988
5. Саъдиев А. Узбекистан халклари тарихини укитиш
Тошкент. «Ўқитувчи», 1993
6. Умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандарти ва ўқув дастури
Тошкент. «Шарқ», 1999 и. 2-сон
7. Т.Тошпулатов, Я.Раффоров Тарих укитиш методикаси
Тошкент. «Университет», 2002.
8. Н.И.Аппарович, Д.И.Полторак Кабинет истории и обществоведения в средней школе
Москва «Просвещение», 1982.
9. Курбонов Ш. ва бошкалар «Баркамол авлод орзуси»
Тошкент. «Шарқ», 1998.
10. Крдиров. Б Таълим тизимидаги ислохртларнинг максад ва иуналишлари
Тошкент. «Узбекистан», 1999.